

ШОДМОНОВ Шеркул,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
профессори, иқтисод фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи

ТЕЖАМКОРЛИКНИНГ УМУМИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДАГИ МАЗМУНИ ВА УНДАН АМАЛДА ФОЙДАЛАНИШ

УДК 330.1

ББК 65.011.3

ШОДМОНОВ Ш. ТЕЖАМКОРЛИКНИНГ УМУМИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДАГИ МАЗМУНИ ВА УНДАН АМАЛДА ФОЙДАЛАНИШ

Мақолада минг йиллар оша ўз долзарблигини йўқотмаган, ҳар доим ҳамма мамлакатлар ва уларнинг аҳолиси учун зарур бўлиб ҳисобланган, ҳозирги даврда долзарблиги янада ошган муаммо – «тежамкорлик» масаласи хусусида фикр юритилади. Мақолада тежамкорликнинг мазмунни, унинг умумиқтисодий категория эканлиги, намоён бўлиш шакллари ва ундан амалда фойдаланишнинг айрим йўллари баён этилган.

Таянч изборалар: тежамкорлик, иқтисодий ресурслар, ишчи кучи, капитал, меҳнат унумдорлиги, исрофгарчилик.

ШОДМОНОВ Ш. БЕРЕЖЛИВОСТЬ КАК ОБЩЕЭКОНОМИЧЕСКАЯ КАТЕГОРИЯ И ЕЁ ПРИМЕНЕНИЕ НА ПРАКТИКЕ

В статье обсуждена проблема «бережливость», которая не теряет свое значение тысячулетиями, всегда необходима всем людям и странам, и имеет возросшее значение на сегодняшний день. В ней рассматривается суть бережливости как общеэкономической категории, формы её проявления и некоторые направления применения её на практике.

Ключевые слова: бережливость, экономические ресурсы, рабочая сила, капитал, производительность труда, расточительность.

SHODMONOV SH. THE ESSENCE OF THRIFT AS A GENERAL ECONOMIC CATEGORY AND IMPLEMENTATION IN PRACTICE

There is discussed in the article the problem of «Thrift» which does not lost its importance over thousand years, always needed by people and countries and has increasingly high significance nowadays. It is examined the essence of thrift as a general economic category, forms of its development and some ways of implementation in practice.

Key words: thrift, economic resources, labor, kapital, productivity, wastefullness.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор муносабатларига асосланган мустақил тараққиёт йўлини танлади. Мазкур стратегик мақсад босқичма-босқич амалга оширилиб бориб, ижтимоий йўналтирилган, замонавий ва эркин бозор иқтисодиёти шакллантирилди. Ушбу вазифани ҳал этишда, бир томондан, олдинги иқтисодий тизимдан мерос бўлиб қолган мамлакатимиз иқтисодиётидаги бир ёқлама ривожланишга барҳам берилди, иккинчидан эса иқтисодиётда модернизациялаш, диверсификациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида кўп тармоқли ва тўлақонли миллий иқтисодиётни барпо этишга эришилди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири тежамкорликдир. Миллий иқтисодиёт ўсишининг жадал суръатларини таъминлаш учун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий негизларини мустаҳкамлаш, қўшимча маблағларни жалб қилиш, ишчи кучи ресурсларининг самарали бандлигини таъминлаш каби долзарб муаммоларнинг ечими ҳам кўп жиҳатдан тежамкорликка боғлиқ.

Тежамкорлик тушунчаси кўпчилик кишилар, жумладан раҳбар ходимлар ва иқтисодчи олимлар томонидан рад этилмайди. Лекин у иқтисодий категория сифатида назарий жиҳатдан эътироф қилиниб, унинг мазмуни, намоён бўлиш шаклларини ҳозиргacha чуқур ўрганишга киришилгани йўқ. Ҳолбуки, бу муаммо назарий жиҳатдан ўрганилиб, пухта асосланган концепция ишлаб чиқилмаса, уни амалда қўллаш масаласи тўла ҳал этилмай қолаверади.

Инсоният яралгандан бери хўжалик амалиётида у ёки бу даражада вақтни тежаш қонунига риоя этилган, чунки рақобат, талаб-таклифнинг ўзгариши, фойда олишга интилиш бунга мажбур қилиб келган. Лекин, биринчидан, тежамкорлик категорияси инсоният олдига хавф-хатар, тўсиқ ва барча ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳозиргидек кескин ҳолда қўймаганлиги сабабли бўлса керак, унга бўлган эътибор нисбатан кам бўлиб келган. Бугунги кунда

эҳтиёжлар тўхтовсиз ошиб, иқтисодий ресурслар чекланган, инқирозлар, рақобатлар, шафқатсиз тус олган шароитда бу муаммонинг долзарблиги кучайиб, унга амал қилишнинг ҳар қандай бузилиши оқибатлари кўпгина кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келиб, дарҳол ҳаммага маълум бўлиб қолмоқда. Иккинчидан, вақтни тежаш муаммоси иқтисодий ресурсларнинг фақат бир бўлаги бўлган инсон вақтини, айниқса, иш вақтини тежашга қаратилган бўлиб, чекланган тавсифга эга. Тежамкорлик эса кенг маънода бўлиб, ҳамма иқтисодий ресурслардан табиий, моддий, ишчи кучи, пул ресурсларини қамраб олади. Уларнинг ҳар бирлигидан самарали фойдаланишни билдиради. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тежамкорлик категориясининг мазмуни ҳозирги пайтгача кўпчиликка маълум бўлган **вақтни тежаш қонунидан кенгроқ, муҳимроқ ва долзарброқдир.**

Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жуда мураккаб, кўп қиррали ва ғоят чигал муаммоларга бойдир. Хусусан, кишиларнинг яшashi ва камол топиши учун керак бўлган кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа ҳаётий воситаларга эҳтиёжларни қондириш зарурияти ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги сабабли тежамкорлик муаммоси ўтган барча ижтимоий-иктисодий тузумларда ҳам, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам долзарб масала сифатида қолиши шубҳасизdir.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий
ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2017, 3

ислоҳотлар билан боғлиқ равишда тежамкорлик масаласи энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Айниқса, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Зоро, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, истеъмол буюмларига сарфланадиган харажатларни атиги 1 фоизга қисқартириш орқали иқтисодий самаранинг миллиардлаб сўмга ошишига эришиш мумкин.

Тежамкорлик муаммосининг тобора кенгайиб, жаҳон миқёсида долзарб аҳамият касб этиб бориши сайёрамиздаги табиий ресурслар захирасининг камайиб бориши билан ҳам изоҳланади. Жумладан, инсоният 2500 йилга келиб, барча металл захираларини сарфлаб бўлиши башорат қилиниб, бунда темир рудаси 250 йилга, алюминий – 570, мис – 29, рух – 23, қалай – 35, қўрғошин 19 йилга етиши таҳмин қилинмоқда. Амалда ҳозир яшаётган авлод ҳам ишлаб чиқаришда қўрғошин, қалай, рух, олтин, кумуш, платина, никель, вольфрам, мисдан фойдаланиш муаммосига дуч келмоқда.

Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефть, газ, кўмир билан таъминлаш муаммоси ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас¹.

Шунга кўра, иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш масаласига Ўзбекистон Республикаси Биринчи президенти Ислом Каримов томонидан ҳам долзарб муаммо сифатида қаралиб, унинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари кўплаб асар ва нутқларида баён этилган. Хусусан, Биринчи Президентимиз 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишлиган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маъруzasida қишлоқ хўжалиги-даги ислоҳотлар ва уларни амалга оширишдаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, ер,

сув, газ ва энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтди². Шунингдек, Ислом Каримов ўзининг 2006 йил 10 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида энергия ресурслари, биринчи галда, кўп миқдорда энергия сарф этадиган тармоқлар – кимё, рангли металургия, электр энергетикаси ва бошқа соҳаларда қаттиқ тежамкорликни таъминлашни устувор йўналиш сифатида белгилаб берди ва энергетика масаласининг долзарб аҳамият касб этишига тўхталиб, бу масалада Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат ҳисобланишини, бироқ бу мазкур ресурсларга хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳуқуқини бермаслигини таъкидлади. Бунинг учун эса энергия ресурсларидан фойдаланишда келгуси авлод тўғрисида қайғуришни, ундан тежамли фойдаланиш ҳисобига мамлакатдаги иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳаракат қилиш зарурлигини уқтирган эди³.

Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг ҳозирги босқичида тежамкорлик муаммоси энг муҳим масалага айланмоқда. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 14 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида қилган маърузасида бу масалага алоҳида эътибор бериб, айрим йирик компания ва корхоналарда кўплаб инвестиция сарфланганига қарамай, товарлар ҳажми ошмаётганлиги, маҳсулот бирлигига сарфланаётган харажатлар ва бинобарин унинг таннархи ошиб кетаётганлиги, меҳнат унумдор-

² Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришdir. // «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил 18 февраль.

³ Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // «Ўзбекистон овози» газетаси, 2006 йил 11 февраль.

¹ Қаранг: Зубко Н. М. Экономическая теория. - Минск: НТЦ АПИ, 1998. -61-б.

лигининг эса пасайиб кетаётгандын қаттық танқид қилиб ўтди.

Мана шу танқидий таҳлиллардан ҳамда ҳозирги даврдаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармона билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бүйича ҳаракатлар стратегиясида «иқтисодиётта энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тәжайдиган технологияларни көнг жорий этиш, қайта тикланағындағы манбалардан фойдаланишини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқтарыда меңнат унумдорлығини ошириш»¹ каби аниқ вазифалар белгиланған.

Тежамкорлик мұаммосининг ўта долзарбилиги ва уни реал ҳаётга татбиқ этиш зарурологияның иқтисодиёт назарияси фани олдига унинг мазмунини, унга таъсир этувчи омилларни амалға ошириш йұналишларини батағсил ёритиш вазифасини қўяди.

Иқтисодиёт назарияси фанининг тарихан шаклланишига назар соладиган бўлсак, қадим-қадимдан мутафаккирлар тежамкорликка эришиш, исрофгарчиликка йўл қўй-маслик, ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари хусусида ўз ёндашувларини баён қилганлар. Шунинг учун тежамкорликнинг ҳар қандай иқтисодиёттинг асосий масаласи сифатидаги мазмунини иқтисодиёт назарияси фанида тўпланган бой илмий ёндашувларни таҳлил қилиш асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки тежамкорлик ва иқтисод қилиш тўғрисидаги назарияларда турлича қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос тавсифга эга бўлиш билан бирга бир-бирини тўлдиради. Бу тушунчани илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишда, аввало, ана шу қараш ва ёндашувларни тарихий

изчилликда тизимга келтириб ўрганишга ҳаракат қиласиз (1-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, тежамкорлик масалалари билан боғлиқ бўлган фикрлар турли қадимий манбалар, жумладан, диний таълимотларда кенг баён этилган. Масалан, зардўштийликнинг муқаддас китоби Авестода кўчманчи ҳаётни ўтроқ турмуш тарзига айлантириш зарурияти, унинг ижтимоий ва иқтисодий афзаллиги, сунъий суғориш асосида деҳқончилик юритиш, тупроқ унумдорлығини яхшилаш масалалари ёритилган бўлиб, моддий бойликларни кўпайтириш, тежаш, авайлаб-асраш кишиларнинг асосий фаолияти сифатида улуғланади.

Христиан динининг² етакчи тарғиботчиларидан бири бўлган Жан Кальвин инсоннинг хизмати ўз вазифасини тиришқоқлик ва тежамкорлик билан бажаришидан иборатлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, мўтадиллик, тежамлилик, олдиндан кўра билишлик тадбиркорнинг эзгу хислатлари бўлиб, унинг художўйлиги ҳам айнан мана шунда намоён бўлади³. Кальвиннинг диний асосдаги ғоялари Голландия ва Англияда, кейинроқ АҚШда инсон руҳиятида тадбиркорлик ва тежамкорликнинг шаклланишига ёрдам берди.

Кишиларни тежамкорлик руҳида тарбиялаш, турли неъматлардан асраб-авайлаб, эҳтиёткорона фойдаланиш кўниумасини шакллантириш, исрофгарчиликка қарши курашишда ислом динининг аҳамияти беқиёсdir. Хусусан, исломда исроф деганда ноўрин мақсадларга қилинган ҳар қандай харажат тушунилади. Шунга кўра, Қуръонда «...исроф қилманглар. Зотан Аллоҳ исроф қилгувчи кимсаларни севмас», «...исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир»⁴ деб таъкидланиши кишиларнинг ҳаётий фаолия-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бүйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонига 1-илованинг 3.2-банди. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

² Протестант йұналиши (таҳр.)

³ Майбуруд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: «ВИТА-ПРЕСС», 1996. – С. 66.

⁴ Қуръони Карим. / Аловуддин Мансур тарж. // «Шарқ ўлдузи» журнали, 1992. -101-б.

1-жадвал. Тежамкорлик бўйича назарий қоидаларнинг ривожланишидаги асосий қарашлар ва ёндашувлар¹.

Асосий қарашлар ва ёндашувлар	Ёндашув манбаи, унинг асосчилари ёки намояндлари	Илгари сурилган назарий қоидалар
Диний тарбия унсури ва инсонийлик хислати сифатидаги ёндашув	Зардуштийлик, «Авесто» китоби	Тежамкорлик иқтисодий фаолият ва жараёнларда юқори ўрин тутади, у кишилар моддий фаровонлигининг дастлабки шарти ҳисобланади.
	Христиан дини, Жан Кальвин	Мўътадиллик, тежамлилик, олдиндан кўра билишлик тадбиркорнинг эзгу хислатлари ҳисобланади.
	Ислом дини ва унинг асосий ғоясини тарғиб этувчи ҳадислар (Қуръони Карим, Имом Бухорий, Имом Аҳмад, Ан-Насойи, Ибн Можжа каби ҳадисшунослар)	Исрофгарчиликнинг олдини олиш, тежамкорликка интилиш инсоннинг асосий бурчи сифатида баҳоланади.
Иқтисодий фаолиятни ривожлантирувчи омил сифатидаги ёндашув	Ибн Холдун, Абдурраҳмон Абу Зайд	Ҳар қандай иқтисодий фаолият негизида тежамкорлик ётади. Уларнинг ривожи бевосита меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган вақт ва ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Меҳнат тақсимоти меҳнат унумдорлигини оширади ва қўшимча маҳсулот яратилишига моддий замин тайёрлади.
Меҳнат тақсимоти, ихтисослашув ва ўзаро айирбошлаш натижаси сифатидаги ёндашув	Классик иқтисодиёт мактаби, А.Смит	Тежамкорликка инсонларни кўпроқ ўз ҳолатларини яхшилаш хоҳиши ундаиди. Унга айирбошлаш ва меҳнат тақсимотининг ўзаро алоқадорлиги орқали эришиш мумкин.
	Классик иқтисодиёт мактаби, Д.Рикардо	Тежамкорликка таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Асосий омил – ишлаб чиқаришда техника ривожланиши, қишлоқ ҳўжалиги ва саноатда меҳнат сарфини камайтиради. Бу эса кишиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи буюмлар нархларининг пасайишига олиб келади.
Халқаро рақобатбардошлик омили сифатидаги ёндашув	М.Портер	Мамлакатнинг халқаро рақобатга лаёқатларини бевосита тежамкорликка боғлаб, унинг фирма, ишлаб чиқариш ва макроиқтисодий даражада тежаш каби турларини ажратиб кўрсатади.
Фақат режали иқтисодиёт учун хос бўлган асосий тамойил сифатидаги ёндашув	Марксча таълимот	Тежамли ҳўжалик юритишга фақат социалистик жамиятда эришилиши, мувозанатсизлик, мутаносибсизлик, режасизлик ҳукм сурган капиталистик тузумга фақат исрофгарчиликнинг хослиги таъкидланади.

¹ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

тида тежамкорликнинг юксак ўрин тутишидан дарак беради.

Имом Бухорий, Имом Аҳмад, Ан-Насойй, Ибн Можжа каби ҳадисшуносларнинг асарларида жамият аъзолари исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан, уларда «...исрофгарчилликка йўл қўйманглар», «Тежамкор одам ҳеч қаҷон қашшоқлик кўрмайди»¹, деб таъкидланади.

Юқорида келтирилган диний таълимотлардаги фикрлардан шуни кўриш мумкинки, уларда кишиларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида тежамли бўлишга чақирилган, тежамкорликнинг муҳимлиги ва аҳамияти таъкидланган, лекин унга эришиш йўллари ва усуслари ёки унинг омиллари ўз ифодасини топмаган.

Тежамкорлик тушунчасининг айрим жиҳатлари жаҳон иқтисодий фани намояндаларининг бу хусусдаги қарашлари ва ёндашувларида ҳам назарий жиҳатдан асослаб берилган.

А.Смит ғоясига кўра, тежамкорликка инсонларни кўпроқ ўз ҳолатларини яхшилаш хоҳиши ундейди. Тежамкорликка айирбошлиш ва меҳнат тақсимотининг ўзаро алоқадорлиги орқали эришиш мумкин. Меҳнат тақсимоти орқали миллий маҳсулотни яратишда одамлар ўртасида ҳамкорлик содир бўлади. Ҳунарманд дехқон ўзи учун кийим тикиш масъулиятини ўз зиммасига олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига билвосита таъсир қиласи, дехқон эса ҳунармандни ўзи учун дон экишдан озод қилиб, билвосита саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ёрдам беради.

Умуман олганда, жамият меҳнат тақсимоти ва иқтисодий ихтисослашув орқали қўйидагиларга эришади:

1) ишчилар маҳорати ошади;

¹ Баҳромов А. Жума мавъизаси тезислари. 2002 йил 28 декабрь.

2) бир меҳнат туридан иккинчисига ўтиш учун кетадиган вақт тежалади;

3) меҳнатни енгиллаштирадиган ва қисқартирадиган машиналар ихтиро қилинади;

4) меҳнат унумдорлиги кескин ошади².

Классиклардан яна бири Д.Рикардонинг қарашларида тежамкорликка таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Унинг фикрича, даврлар ўтиши билан машина-ускуналар такомиллашиб боради, агрономия ривожланади, бир сўз билан айтганда, техника ривожланиши ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалиги ва саноатда меҳнат сарфини камайтиради. Меҳнат сарфини тежашдаги ушбу муваффақиятлар ишчиларнинг энг зарур эҳтиёжлари учун керак бўлган буюмлар нархларининг пасайишига олиб келади.

А.Смит тарафидан яратилган «Кўринмас қўл» қоидасини Д.Рикардо бутун жаҳон савдосига нисбатан қўллаб, тўлиқ ҳалқаро савдо тизимида ҳар бир мамлакат ўз маблағи ва меҳнатини саноатнинг шундай соҳасига сарфлайдики, бу соҳа унга энг кўп фойда келтириши керак бўлади, ушбу фойданинг кетидан қувиш ҳар хил миллатлар ўртасида энг самарали ва энг тежамли меҳнат тақсимотига олиб келади, айнан мана шу тамойилларга биноан Д.Рикардо вино Франция ва Португалияда, ун маҳсулотлари Америка ва Польшада, ҳар хил турдаги металл буюмлар Англияда ишлаб чиқарилиши кераклигини белгилайди³.

Шундай қилиб, классик иқтисодчилар тежамкорлик тўғрисидаги қарашларини баён этиб, ҳалқаро меҳнат тақсимотининг бутун жаҳонда амал қилишини ёқлаб чиқишиди. Уларнинг иқтисодий ихтисослашув тўғрисидаги назарияларининг асосида эса тежамкорлик, кам меҳнат сарфлаб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ётади.

² А.Смитнинг фикрлари қўйидаги манбадан олинди: Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. - М.: «ВИТА-ПРЕСС», 1996. -С.68.

³ Костюк В.Н. История экономических учений. – М.: «Центр», 1998. –С. 47.

Умуман олганда, юқорида баён этилган диний ва иқтисодий таълимотлардан келиб чиқиб, тежамкорлик категориясининг мазмунини қўйидагича таърифлаш мумкин: **тежамкорлик категориясининг мазмунни ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётган маҳсулот ёки хизмат бирлигига кетаётган иқтисодий ресурслар (харажатлар)нинг камайиб бориши, ресурслардан фойдаланиш даражасининг ижобий томонга ўсиб бориши сифатидаги ҳаракатда намоён бўлади.**

Бу категория объектив характерга эга бўлиб, айрим кишиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмайди. Лекин кўпчилик инсонлар фаолиятида амалга ошади ва намоён бўлади. Агар инсонлар бу категориянинг характеристики ва талабарини билиб шунга биноан фаолият юритсалар, ресурслар тежалади, аксинча бўлса, ресурслар исроф бўлиб, беҳуда сарфлар кўпаяди.

Тежамкорлик категорияси исрофгарчилик, хўжасизлик, лоқайдлик, талон-тарожлик каби беҳуда сарфларнинг қарама-қарши томони бўлиб, уларни инкор этади. Тежамкорлик категорияси такрор ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида товарлар ҳажми, сифати ва уларга сарфланган ресурслар ўртасидаги доимий алоқадорликни ифодалайди. Тежамкорлик тушунчаси маҳсулотларнинг самарали истеъмоли натижасида олинадиган фойда, натижасини ҳам қамраб олади.

Барча иқтисодий ресурслар битта умумий ўзак хусусиятга эга: улар жуда тақчил ёки чекланган миқдорда мавжуд. Табиий ресурслар: ерлар, фойдали қазилмалар, сув, энергия, капитал жиҳозлар, пул ресурслари ва ишчи кучи – буларнинг барчаси миқдор жиҳатидан маълум бир чегарага эга. Ишлаб чиқариш ресурсларининг камёблиги ва унинг ишлаб чиқариш фаолияти олдига чегара қўйиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам чегаралангандир. Жамият ўзи хоҳлагандек, товар ва хизматларнинг бутун ҳажмини

ишлаб чиқара олмайди ёки истеъмол қила олмайди.

Шундай қилиб, ресурсларнинг чекланганилиги эҳтиёжни қондиришнинг муҳим йўли бўлган ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам чеклаб қўяди. Бу имкониятлар даражаси доимо бир хил бўлиб турмайди, балки янги техника ва технологияларнинг яратилиши ҳамда амалда жорий қилиниши ишлаб чиқариш имкониятлари, унинг чегараларини кенгайтириш имконини беради. Улар, бир томондан, меҳнат унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, энергия, ёнилғи, меҳнат ва бошқа моддий ресурсларни тежаш имконини берса, иккинчи томондан, янги материал, хом ашё ва бошқа ресурслар манбаларини топиб, ҳаётга жалб этишга замин яратади.

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, бинобарин, эҳтиёжларни қондиришнинг даражасини ошириш зарурлиги ҳар қандай (турли босқичдаги, турли тизим ва даражадаги) иқтисодиёт олдига қўйидаги муаммоларни қўяди:

1. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг энг мақбул ва зарур варианtlарини танлаб олиш ва шу асосида ресурсларни тежаб, уларни кўпроқ янги ишлаб чиқаришга жалб қилиш.

2. Мавжуд иқтисодий ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш.

3. ФТТ ютуқлари ва янги технологияларни амалиётга жорий қилиш, иккиламчи ресурслар ва чиқиндилардан фойдаланишни йўлга қўйиш, янги энергия, материал, хом ашё турлари, уларнинг манбаларини топиб, фойдаланишга жалб қилиш, ресурслар унумдорлигининг ошишига эришиш.

4. Ички ва халқаро миқёсдаги меҳнат тақсимоти ва унинг чуқурлашиш ва шунга биноан ихтисослашиш.

5. Иқтисодиётнинг турли тармоқлари, соҳалари ва бўлаклари ўртасида мувозанат-

лик ва мутаносиблик бўлишини таъминлаш, инқизорзларнинг олдини олиш.

6. Модернизация, диверсификациялаш ва таркибий ўзгаришларни кучайтириб, меҳнат унумдорлиги ошишига эришиш.

7. Малакали ишчи кучи ресурсларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг тўла бандлигини таъминлаш ва улардан унумли фойдаланиш.

8. Истрофарчиллик, хўжасизлик, талонтарожлик каби беҳуда сарфларга йўл қўймаслик.

Ресурслар тақчиллиги шароитида эҳтиёжларни қондиришнинг оқилона даражаси танлаб олинганда, кам ресурс сарфлаб, кўпроқ эҳтиёж қондирилади. Бу қоидага кўра, маҳсулот бирлигини яратиш учун кетган ресурс сарфи қисқариши шарт, акс ҳолда эҳтиёж тўлароқ қондирилмайди. Масалан, донга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш учун дон ҳосилдорлигини муттасил ошириб борган ҳолда ҳар бир тонна дон олиш учун кетган ресурс сарфини қисқартириб бориш талаб қилинади.

Тежамкорлик мазмунан барча турдаги иқтисодий ресурсларнинг истрофарчилликка йўл қўймай, маълум меъёрларга мувофиқ ҳолда асраб-авайлаб ишлатилишини англаатади. Ресурслардан тежамли фойдаланиш, одатда, оқилона ва самарали фойдаланишдан фарқли ўлароқ, бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан чекланмай, балки бутун такрор ишлаб чиқариш босқичларини маҳсулот ва хизматларнинг самарали истеъмоли жараёнини ҳам қамраб олади.

Таъкидлаш лозимки, тежамкорлик жуда кенг қамровли, серқирра тушунча бўлиб, унинг моҳиятини очиб беришда қўйидаги турли даражалар бўйича ёндашиш мумкин:

1) алоҳида индивид, шахс тежамкорлиги;

2) хўжалик юритувчи бирлик (корхона (фирма) ва уларнинг турли бирлашмлари, тармоқ ва бошқалар) даражасидаги тежамкорлик;

3) жамият (миллий иқтисодиёт) даражасидаги тежамкорлик.

Мазкур даражалардаги тежамкорлик ўзининг сабаби (мотивация), манбаси ва таъсир этувчи омиллари жиҳатидан ўзаро фарқланади.

Тежамкорликка алоҳида олинган шахс даражасида ёндашилганда одатда инсоннинг хатти-ҳаракатидаги сифат белгиларидан бири тушунилади. Масалан, ҳар бир шахс ўзи истеъмол қилаётган озиқ-овқат, ичимлик суви, электр энергияси каби истеъмол маҳсулотларининг истроф бўлишига йўл қўймаслик хислатлари шаклланган бўлса, уни тежамкор инсон деб юритиш мумкин. Бу ўринда тежамкорлик ижтимоий, руҳий, маданий, диний, ахлоқий омилларнинг иқтисодий ифодаси сифатида намоён бўлади. Инсондаги тежамкорлик хислатининг шаклланиши ҳам объектив, ҳам субъектив жиҳатга эга бўлади. Унинг объективлиги шундаки, инсонда табиатан маълум даражада тежамкорликка мойиллик мавжуд бўлади. Бироқ бу мойилликни янада кучайтириш, унинг инсон яшётган муҳитдаги турли таъсирлар натижасида ўзгариши тежамкорликнинг субъектив жиҳати кучлироқ эканлигидан дарак беради. Ҳали ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти суст бўлган, кишилар ўз меҳнат фаолиятини у қадар онгли даражада шакллантирган бир вақтда ҳам улар ўзларининг тежамкорлиги жиҳатидан фарқланар эди. Шунингдек, бу хислатни мақсадга мувофиқ шакллантириш, ривожлантириш ва кучайтириш мумкин.

Хўжалик юритувчи бирлик (фирма ва унинг турли бирлашмлари, тармоқ ва ҳ.к.) даражасидаги тежамкорлик инсондаги тежамкорлик ҳиссининг ўзаро ҳамкорликдаги иқтисодий фаолиятларда намоён бўлиш шаклидир. Бу даражаларда тежамкорлик ўзига хос омил сифатида амал қилиши учун мазкур хўжалик бирлиги таркибидаги индивидлар манфаатларининг муштараклиги таъминлаши зарур.

Миллий иқтисодиёт ёки жамият даражасидаги тежамкорлик мамлакатдаги алоҳида индивидлар, хўжалик бирликлари ва уларнинг турли бирлашмаларидағи тежамкорликнинг умумий йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Жамият даражасидаги тежамкорлик ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

Агар мамлакатимиздаги тежамкорликка бўлган муносабатни кўриб чиқадиган бўлсак, у жуда ҳам кўнгилдагидек эмаслиги маълум бўлади. Бу масала мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида танқидий таҳлил қилиб берилди. У ерда катта инвестиция сарфларга қарамасдан маҳсулотлар ҳажми ошмаётган ишлаб чиқаришга кетган энергия материал сарфларининг маҳсулот таннархининг ошиб кетиш ҳолатлари мавжудлиги кўрсатилди. Илфор мамлакатлар кўрсаткичлари билан тақослаганда, ялпи ички маҳсулотнинг бир бирлигига бизда нисбатан кўп ҳом ашё ва энергия сарфланади. Эски даврдан қолган кўплаб машина ва ускуналар юқори материал сиғимга эга, қатор буюмларни ишлаб чиқаришга материаллар харажатлари юқори. Барча жойларда ҳам ресурсларни тежовчи технологик жараёнлардан фойдаланилмаяпти. Ишлаб чиқариш ва сақлаш жараёнида металл, ёқилғи, ёғоч, цемент, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотларнинг катта йўқотишларига йўл қўйилмоқда. Транспорт харажатлари ва таннархи ҳам ортмоқда, иш жойлари етишмаслиги ва бошқа ҳар хил сабабларга кўра ишчи кучи ресурсларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бундай шароитларда ижтимоий эҳтиёжларни ресурслар билан таъминлашда экстенсив омилларнинг устунлиги каби салбий тенденцияси сақланиб қолмоқда.

Ресурслар тежамкорлиги муаммосининг муҳимлигини ҳисобга олиб, ялпи ички маҳсулотнинг материал сиғими, металл сиғими ва энергия сиғимининг пасайиш суръатларини ўстириш зарур. Бунга эришиш иқти-

содиётнинг ёқилғи, энергия, ҳом ашё ва материалларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш манбаи ҳисобланади.

1. Ҳар қандай тежамкорликнинг иқтисодий манфаатдорликка асосланиши.

Тежамкорлик – маълум мақсадга йўналтирилган инсон хатти-ҳаракатининг муайян кўриниши бўлиб, унинг асосида манфаатдорлик ётади. Тежамкорлик дастлаб алоҳида шахснинг манфаатдорлиги инъикоси сифатида майдонга тушиб, турли иқтисодий бирликлар (оила, корхона, тармоқ, жамият) доирасида турли даражаларда намоён бўлади. Масалан, алоҳида шахснинг тежамкорлиги ўзи учун энг юқори даражадаги манфаатдорлик билан боғлиқ бўлади. Оиладаги тежамкорлик асосида қон-қариндошлиқ алоқаларидан ташкил топган гурӯҳий манфаат ётса-да, бироқ унинг ҳар бир аъзоси учун доимо ҳам бир хил даражада манфаатли, деб бўлмайди. Корхона ва тармоқ даражасида бу манфаатдорлик нисбатан янада кучсизроқ даражада намоён бўлади. Жамият миқёсидаги тежамкорликка эришиш учун турли манфаатларни ўзаро ўйғунлаштира олиш зарур.

Бугунги кунда жамият миқёсида турли ресурслар тежамкорлигига амал қилиш, унга ундаш мақсадида турли чақириқлар, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Масалан, илгари аҳоли томонидан ичимлик суви, табиий газ, электр энергиясидан фойдаланишда тежамкорликка риоя этиш борасида турли тасвирий материаллар, оммавий ахборот воситалари орқали реклама роликлари кенг қўлланилар эди. Бироқ, бундай воситаларнинг таъсир даражасини етарли деб бўлмасди. Кейинги йилларда бу ресурслардан фойдаланишда маҳсус ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши эса дарҳол манфаатдорлик ҳиссининг амал қилишини таъминлади. Шунга кўра, ҳар қандай даражадаги тежамкорликни таъминлаш учун энг аввало унинг ўзаро манфаатларга мувофиқлигини йўлга қўйиш, эришиш лозим.

2. Тежамга эришишнинг маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмаслиги.

Тежамкорлик аниқ бир чегара, меъёрга эга бўлиши лозим. Энг аввало, тежамкорлик яратилаётган маҳсулот, бажарилаётган иш, амалга оширилаётган фаолиятнинг сифатига, унинг меъёрий ўлчамларига, технологик жиҳатдан тайёргарлик даражасига путур етказмаслиги керак. Масалан, тежамкорлик ниқоби остида маҳсулотга сарфланаётган хом ашё, материалларни етарли даражада сарфламаслик муқаррар равишда маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шунга кўра, тежамкорлик маҳсулотнинг техник, технологик, физиковий, моддий ресурс сарфи ва бошқа меъёрларига путур етказмаслиги зарур.

3. Тежамкорликка мақсадга мувофиқ йўналтириш мумкинлиги. Тежамкорлик қандайдир «қотиб қолган», бир хилда ўзгармай турадиган жараён ёки хатти-ҳаракат эмас. Уни йўқ жойда ҳосил қилиш, кам жойда ривожлантириш ва мақсадга мувофиқ йўналтириш мумкин. Масалан, жамият аъзолари дунёқарашларида тежамкорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида турли йўналишлардаги таъсир воситалари, чора-тадбирлар тизимида фойдаланиш мумкин. Энг аввало оиласда, турли тарбия муассасаларида (боғча, мактаб ва ҳ.к.) болалар онгида тежамкорликка мойилликни тарбиялаш мухим ҳисобланади. Қолаверса, ҳар бир меҳнат жамоасида ишчи ва хизматчиларни тежамкорликка ундовчи рағбатлар, восита ва дастакларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

4. Тежамкорлик ҳиссини шакллантириш усул ва воситаларининг турлилиги.

Шахс, ижтимоий-иқтисодий бирлик (оила, меҳнат жамоаси ва ҳ.к.)да тежамкорликни шакллантириш ва тарбиялашнинг турли восита ва усулларидан фойдаланиш лозим. Умуман олганда тежамкорликни шакллантиришнинг қўйидаги усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- иқтисодий;
- ноиқтисодий.

Иқтисодий усуллар қўйидаги воситалардан таркиб топади: тежамкорликни моддий ва номоддий жиҳатдан рағбатлантириш; уни турли иқтисодий механизмлар орқали уйғунлаштириш.

Ноиқтисодий усулларга энг аввало турли йўналишдаги тарбия воситалари киради:

- оиласадаги тарбия;
- мактабгача ва мактабдаги тарбия;
- диний тарбия;
- шахсий намуна;
- тушунтириш, ташвиқот, тарғибот.

5. Тежамкорликнинг фан-техника тараққиёти билан боғлиқлиги.

Инсон ҳаётининг вақт жиҳатидан чекланганлиги унга берилган ҳаёт даврида имкон қадар кўпроқ қониқиши олишга ундейди. Шунингдек, тежамкорлик муқаррар равишда ФТТ билан ҳамоҳанг бориши лозим. Кўп ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки меҳнат жараёнидаги тежамкорлик ўз навбатида янгилик, ихтиrolарни келтириб чиқаради. Масалан, телевизорни масофадан туриб бошқариш мосламаси (пульт)нинг яратилиши одатда телевизор ёнига бориб, унинг тугмачаларини босишга кетган вақтни тежашга қилинган ҳаракат натижаси ҳисобланади. Ёки кўп қаватли уйларда яшовчи кишиларнинг кучкуввати, энергияси, вақти, соғлиғини тежаш учун ҳаракат лифтнинг яратилишига олиб келди.

Ўз навбатида фан-техника ютуғи натижасида яратилган ихтиро ёки қулайлик яна тежамкорликка имкон яратади ва ундейди. Масалан, лифтнинг пайдо бўлиши эндиликда фақат 5-6 қаватли эмас, балки 30-40 ва ундан ҳам кўпроқ қаватли уйларни қуриш имконини беради. Яъни, тежамкорликка интилиш фан-техника тараққиётининг ривожланишга имкон яратиб, ўз навбатида у яна тежаш учун янги қирраларни очади. Бу эса алмашиб келувчи занжирли жараён сифатида намоён бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Тақидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 16 январь.
3. Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. // «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил 18 февраль.
4. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги мэрралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий илоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // «Ўзбекистон овози», 2006 йил 11 февраль.
5. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари. Монография. – Т.: «Адаб», 2010. -251-6.
6. Қуръони Карим. / Аловуддин Мансур тарж. // «Шарқ юлдузи» журнали, 1992. -101-6.
7. Баҳромов А. Жума мавъизаси тезислари. 2002 йил 28 декабрь.
8. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: «ВИТА-ПРЕСС», 1996. –С. 66.
9. Костюк В.Н. История экономических учений. – М.: «Центр», 1998. –С. 47.
10. Зубко Н.М. Экономическая теория. – Минск: НТЦ АПИ, 1998. -С.64.